

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН
МУҲАНДИСЛИК–ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНИКА ФАКУЛЬТЕТИ

**7-КТЭ-11 гуруҳ талабаси
Абилов Илхомнинг**

**“Актив ва индуктив элементли занжирларни ўрганиш”
мавзусидаги тажриба машғулотида ўтказишда янги
педагогик технологияларни қўллаш” мавзусида**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Наманган 2015

Мундарижа

Кириш.....

Педагогика қисм

Касб ҳунар коллежларида дарс беришда педагогика

ва психологияни ўрни.....

Фан ва мавзунинг тавсифи.....

Мавзунинг услубий ва техник таъминоти.....

Дарс режаси ва мазмуни.....

Методика қисми

1. Анъанавий дарс ўтиш методикаси.....

**2. Янги педагогик технологияларни қўллаб дарсни ташкил қилиш
методикаси.....**

Иқтисодий қисм

Мехнат муҳофазаси қисми

Атроф-мухит муҳофазаси қисми

КХК ларида экологик тарбия масалалари.....

Хулоса.....

Адабиётлар.....

Интернетдан олинган маълумотлар.....

Кириш

Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт стратегиясини, ўзбек халқининг буюк давлат барпо этиш борасидаги мақсад-муддаоларини, миллий истиқлол мафкурасининг моҳиятини кенг жамоатчиликка ҳар томонлама тушунтириш долзарб вазифалардан биридир. Миллий истиқлол мафкурасини ёшлар қалби ва онгига сингдириш таълим тарбиянинг турли шакллари орқали амалга оширилади [1].

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ги Қонуни, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» қабул қилиниши олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълимини ривожлантиришга мустаҳкам асос яратиб берди. Бу соҳани ривожлантириш учун эса янгича фикрлайдиган, ўқитишнинг замонавий шакл ва усулларида самарали фойдалана оладиган, давр талабига жавоб бера оладиган олий таълимнинг мазмуни, вазифалари, шакли ва ўқитиш методларини ишлаб чиқиш, уни методик жихатдан таъминлаш муаммоларини ҳал қила оладиган юқори малакали муҳандис-педагог кадрлар зарур. Асосий мақсад олий ва ўрта махсус касб ҳунар таълим тизимини ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан халос этиш, ривожланган давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш Миллий тизимини яратишдир. [2].

Ушбу дастурнинг мақсади – педагог ва муҳандис-педагог кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини мунтазам ошириш йўли билан академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини давлат таълим стандартлари талабларига жавоб берувчи юқори малакали педагог ва мутахассислар билан таъминлашдир.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг жорий этилиши янги сифат босқичига ўтди. Ўқитиш жараёнида талабаларнинг мустақил ўқув фаолиятларини ривожлантириш муаммоси бозор тизими шароитида янги аҳамият касб эта бошлади. Хозирги замон фан ва техникасининг жадал ривожланиши таълим такомиллашувини юқори даражага кўтариш учун

кулай шарт-шароит ярата бошлади, шу билан бирга бундай шароитда ёш мутахассис кадрларнинг мустақил ишлаш қобилиятини ривожлантириш омилини вужудга келтириш давр талабига айланмоқда.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида баён қилинганидек уч йиллик касб ҳунар ўқув юртлари (КХК) ва ўрта махсус (академик лицейлар) ўқув муассасаларида ишлашга қодир педагогик кадрлар тайёрлаш устивор ҳисобланади. Бу устиворлик ўрта махсус ва касб ҳунар таълимининг янги мазмуни билан ҳамда педагогик кадрларга эҳтиёж катталиги ва оддий мактабларнинг ўқитувчилари уларнинг ўрнини боса олмаслиги билан белгиланади.

Барча йўналиш бўйича ОЎЮ ни тамомлаган муҳандис-педагоглар бошқа фанлар сингари «Электротехника» фанини ўқитишда янги педагогик технологияларни интерфаол усуллари қўллашни билиши муҳим аҳамиятга эгадир. Бўлғуси муҳандис-педагог дарс олиб бориш босқичлари бўйича ўқитувчининг ва талабанинг фаолиятини ишлаб чиқишни билиши керак бўлади.

Таълим жараёнини такомиллаштириш янгича педагогик фикрлашнинг калитидир. Унинг сифати, меъёри ва самарадорлиги ўқитувчи, институт, касб-ҳунар коллежлари ва бутун халқ таълимининг фаолиятига боғлиқдир.

Наманган муҳандислик-педагогика институти касб таълими бўйича муҳандис-педагоглар тайёрлаш бўйича республикада таянч олий ўқув юрти ҳисобланади. Институтда мамлакатимиз касб-ҳунар коллежлари учун бир қатор таълим йўналишлари бўйича муҳандис педагоглар тайёрлаб келинмоқда. Улардан бири 5111000 - Касб таълими (Электроэнергетика) йўналишидир. Ушбу йўналишда бир неча йилдан буён малакали кадрлар тайёрланмоқда. Ушбу битирув малакавий ишининг асосий мақсади электротехника фанидан тажриба машғулотларини ўтказишда ўқув жараёнини самарали ташкил этиш омилларини кўрсатишдан иборат. Ишда фан бўйича намунавий ва ишчи ўқув дастурлари таҳлил қилинади,

машғулотларни замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш йўллари кўриб чиқилади.

Шунингдек ҳозирги замон педагогик технологиясини ривожланиш босқичлари, таълим жараёнида талабани индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиб ўқитиш, йўналиш фанларини ўқитишда услубий-тарқатма материаллардан фойдаланиш, тест тузиш технологиялари таҳлил этилади. Педагогик технология асосида ўқитишнинг самарадорлиги, атроф-муҳит шароити билан боғлиқлиги, ўқув машғулотларини ташкил этишда меҳнат муҳофазаси масалалари кўриб чиқилади. Битирув малакавий ишини бажаришда фойдаланилган адабиётлар рўйхати келтирилади.

Касб хунар коллежларида дарс беришда педагогика ва психологияни ўрни

Инсоният пайдо бўлгандан бошлаб, одамлар у ёки бу шакл ва мазмунда фарзандлари тарбияси билан шуғулланганлар. Ибтидоий жамоа даврида бу жараён баъзан онгли, гоҳида эса онгсиз равишда кечган бўлиши мумкин. Қандай бўлишидан қатъий назар, тарбия усуллари муттасил давом этаверган. Улар даврлар ўтиши, ҳаёт ва турмушнинг мураккаблашиши натижасида тобора чуқурроқ ва кенг маъно касб эта борган.

Тарбия бериш деганда, кимнидир махсус бир хонага ўтқазиб, фақат панд - насихат беришни эмас, балки ўйин давомида, уй юмушлари жараёнида, таълим ва илм ўргатиш вақтида ҳаёт ва турмуш сабоқларини қиёсий йўсинда тушунтиришни, қолаверса, шахсий ўрнатилган кўрсатиш одатини тушунмоқ ва билмоқ лозим. Шу омиллар бир-бири билан қўшиб олиб борилиши керак.

Инсон асосан, икки йўл билан тарбияланиши мумкин: бировнинг бевосита таъсири, яъни ўргатиши, шунингдек, донолар фикрлари, ўғитлари ва асарларини ўқиш орқали; инсон ўзининг фикрлаши, одамлар ҳатти-ҳаракатидан, қилган ва қилаётган ишларидан тегишли хулосалар чиқариб олиши; энг қудратлиси - тафаккури воситасида тарбияланиши мумкин.

Тарбияни социал (ижтимоий) маънода олиб қаралганда бутун тузум ва атроф муҳитнинг инсонга тарбиявий таъсири тушунилади.

Педагогик маънодаги тарбия деганда умуман ўқув- тарбия тизимида ёки алоҳида олинган бир ўқув-тарбия муассасасида амалга ошириладиган, маълум мақсадга йўналтирилган тарбиявий жараён тушунилади. Жузъий педагогик маънодаги тарбия деганда махсус тарбиявий тадбирлар, сифатлар ва дунёқарашни шакллантириш билан боғлиқ жараён тушунилади. Янада торроқ маънодаги тарбия маълум тарбиявий масалани ечиш билан боғлиқ бўлган ахлоқий сифатлар, дид ва эстетик тушунчаларни шакллантиришни англатади.

Демак, педагогика инсонни гўдаклигидан бошлаб то умрининг охиригача ҳаёт ва турмуш одобига ўргатувчи ва шу нарсаларни тахлил ҳамда

тадқиқ этувчи фандир. Форобийнинг таълим - тарбия ҳақидаги қарашларида инсонпарварлик ғоялари алоҳида ўрин тутди. Унинг уқтиришича, инсонни бахт саодатга элтувчи жамоа етук жамоа бўла олиши мумкин, унинг таъкидлашича, инсонни тарбиялаш икки хил усул ёрдамида олиб борилиши мумкин. Тарбияланувчи ихтиёрий равишда зарурий, ақлий ва ахлоқий хислатларни - билимли бўлишга, тўғрилиқ ва ҳақиқатни севишга, жасур, дўстларга садоқатли бўлиш сингари фазилатларни эгаллашга интилмоғи лозим. Бундай инсоний фазилатларга эга бўлиш учун бахт саодатга элтувчи жамоа бўлиши керак.

Хозирги кунда олий ўқув юртлири олдида турган долзарб вазифалардан бири ташкил этилаётган академик лицей ва касб-хунар коллежларига юқори малакали педагог ва муҳандис-педагоглар тарбиялаб беришдир. Тарбия жамият вазифаси бўлиб, у фақат ишлаб чиқариш муносабатлари таъсирида эмас, балки турли тарихий даврларда илгари суриладиган у ёки бу тарбия назариясининг ғоялари таъсирида аниқ шаклга эга бўлади, шунинг учун ҳам кўп жиҳатдан маърифатчи ва педагоглар фаолиятининг натижасини ифодалайди.

Педагогика фанининг ҳамма тармоқлари ўзининг турли ривожланиш, тараққиёт босқичларига эгадир: уларнинг айримлари аниқ шаклланиб бўлган ва етарли даражада кенг ишлаб чиқилган (масалан, мактабгача тарбия педагогикаси, мактаб педагогикаси); бошқалари ўзининг шаклланиш жараёнини бошдан кечирмоқда (масалан, олий мактаб педагогикаси, ишлаб-чиқариш педагогикаси); баъзи бир тармоқлар педагогикасининг ажралиб чиқиши эндигина бошланмоқда.

Психология-лотинча «псюхе» -руҳ, жон, «логос» -фан, таълимот деган сўзлардан олинган бўлиб, руҳ, жон ҳақидаги фан деган маънони англатади. Психология фанига бериладиган таърифлар ҳам жуда хилма-хил бўлиб, шулардан айримларини кўриб чиқадиган бўлсак фактлар, уларнинг қонуниятлари ва психика механизмлари ҳақидаги фандир.

Психология-кишининг ички дунёси, уни билиб олиш ва ҳаётда қўлланиш ҳақидаги фандир.

Психика- юксак тараққий этган материянинг яъни миянинг маҳсули бўлиб, тирик мавжудотнинг ташқи оламни мияда акс эттирилиши билан боғлиқ бўлган мураккаб ҳодисалар хоссаси мажмуидир.

Психиканинг қисқа ва содда таърифи-объектив оламни субъектив акс эттирилишидир. Психика барча жонзотларга, жумладан инсонга хосдир. Шунинг учун ҳам биз кўпинча инсон психикаси, ҳайвон психикаси деган ибораларни эшитиб қоламиз. Ташқи оламни акс эттириш билан боғлиқ бўлган биологик, физик ҳодисаларни ҳам учратиб қоламиз, лекин биз буларни бир-биридан нималар билан фарқ қилишини билиб олишимиз керак. (Масалан, рефлекс, инстинкт, тропизм ва ҳ.).

Ҳаёт психология зиммасига мураккаб назарий ва амалий вазифаларни юклайди. Психологиянинг асосий назарий вазифаси психик фаолиятнинг моҳиятини, унинг содир бўлиш ва ривожланиш қонуниятларини тушунтиришдан иборатдир. Инсоннинг барча ҳаёти ва фаолияти жараёнида унинг психикасини ўрганиш ва бошқариш психологиянинг амалий вазифаси ҳисобланади. Бу вазифаларни ҳал қилиш, асосий маълумотларни тўплаш ва умумий назарияни бойитиш даврида психологияда бир қанча мустақил соҳалар ажралиб чиқди.

Ҳозирги кунда психологиянинг болалар психологияси, педагогик психология, касб психологияси сингари тармоқлари жадал ривожланиб бормоқда.

Мавзунинг услубий ва техник таъминоти

Мавзунинг талабаларга етказиш учун ўқув адабиётларни танлаш, адабиётлардан олинадиган маълумотларни қай даражада тушуниш имкони борлигини текшириш ва улардан талабалар қай даражада фойдалана олишни белгилаш муҳим аҳамият касб этади.

Шундай экан “Актив ва индуктив қаршиликли занжирларни ўрганиш” мавзуси А.С.Каримовнинг “Электротехника ва электроника асослари” дарслигида батафсил ёзилган. Ушбу дарслик 1995 йил Тошкент “Ўқитувчи” нашриётида чоп этилган бўлиб, бу китобдан олий ўқув юртлари талабалари, техника ихтисослиги бўйича тахсил олаётган касб-хунар коллежлари ўқувчилари фойдаланишлари мумкин.

Актив ва индуктив элементли занжирларни ўрганиш мавзусини А.И. Хонбобоев “Умумий электротехника ва электроника асослари” Ўзбекистон. 2000 й, И.А.Данилов “Общая электротехника с основами электроники”.М. ВШ. 1989 г, В.Н.Глушков. “Электротехника и основами электроники” Тошкент. 1990 г, Ф.Е. Евдокимов. «Умумий электротехника» 2001й. дарсликларида кенг ва тушунарли берилган бўлиб, дастурдаги материални тўлақонли тушуна олиш имконияти яратилганлигидадир.

Дарс ўтиш жараёнини ташкил қилишда яъни дарс конспектларини ёзишда шу дарсликлар ва яна қўшимча адабиётлардан фойдаланиш ўринли. Мавзуни талабаларга баён қилишда аниқ ва тушунарли бўлиши, шунингдек ёдида сақлаб қолиш учун кўргазмали қуроллардан фойдаланиш ҳам ўринли.

Мавзуни талабаларга баён қилишда аниқ ва тушунарли бўлиши, шунингдек ёдида сақлаб қолиши учун кўргазмали қуроллардан фойдаланиш ҳам ўринли. Кўргазмали қуроллар жумласига:

- компьютер
- видеопроектор
- лаборатория стендлари
- рангли плакатдаги чизмалардан фойдаланиш ўринли бўлади.

Плакатларга қуйидаги чизмаларни чизиб тушунтириш мумкин:

- актив қаршиликли занжирлар ва унинг вектор диаграммалари,
- индуктив қаршиликли занжирлар ва унинг вектор диаграммалари,
- актив ва индуктив қаршиликли занжирлар ва унинг вектор диаграммалари.

Кўргазмали қуроллардан ташқари яна талабалар учун тарқатма материаллар, тест саволлари, кластер ва синквейнлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Дарс бориши жараёнида формулаларни доскага ёзишга кўп вақт кетади, вақтни тежаш учун формулаларни видеоглаз ёки видеопроекторларда кўрсатиш фойдали, чунки формулалар бир-бирини асосида келтириб чиқарилади. Плакатлардан фойдаланишни қулай томонлари шундаки, ўқувчи учун тушунмаган қисми бўлса савол бериб ўша қисмига қайтиш имконини беради. Бундан ташқари ўқувчиларнинг мустақил ишлаши учун тайёр кўргазмали қурол ҳисобланади.

Фан ва мавзунинг тавсифи

Электротехника- электр занжирларида ва электромагнит майдонларида электр ва магнит энергияларининг ҳосил бўлиш ва ўзгариш қонуниятларини ўрганадиган фан ва техника соҳасидир.

Электротехника ва электроника асослари фанини бўлажак муҳандис-педагогларга ўқитишдан мақсад-талабаларда ҳалқ хўжалигини электр энергияси билан таъминлайдиган электротехник қурилмалар, уларнинг тузилиши, ишлаш принциплари тўғрисида асосий билимларни шакллантириш, электр занжирларидаги асосий қонуниятлар ҳамда электромагнит жараёнлар ҳақида назарий тушунчаларни шакллантириш.

Шунинг учун бугунги талаба ушбу фанни, у хох муҳандис, хох муҳандис-педагог бўлсин, албатта, мукаммал ўрганиши, олган билимлардан кундалик ҳаётда фойдаланишни билиши ва уларни асосида коллеж талабаларини ўқитишни билиши лозим.

Бунинг учун талабаларда электротехник қурилмалар ҳақида, улардаги асосий жихозларнинг турлари, иш ҳолатлари тўғрисидаги билимларни шакллантириш кўзда тутилади.

Фанни ўрганишнинг асосий вазифаларидан бири материянинг бир кўриниши бўлган электромагнит майдон ва унинг ҳар хил қурилмаларда рўй берадиган жараёнлари, таҳлил усуллари, электр ва магнит майдонларини ҳисоблаш усуллари ўргатишдир. Бундан ташқари, талабаларни ҳар хил электротехник ва электрон қурилмалардан иборат техник қурилма ва тармоқлар билан таништириш, техник қурилмалар ва тармоқларни ҳисоблаш усуллари ўргатишдан иборатдир.

Талабалар билими ва кўникмаларига қўйиладиган талаблар

Электротехника ва электроника асослари фани бўйича талабалар билими ва кўникмаларига қўйиладиган талаблар қуйидагилардан иборат:

- электр занжирларини асосий қонуниятлари ва уларни ҳисоблаш усуллари билиш;
- магнит занжирлари ва уларни ҳисоблашни ҳамда электромагнитик жараёнлар қонуниятларини билиш;
- электр ва магнит занжирларидаги ўткинчи жараёнларни ва уларни амалий аҳамиятини ўрганиш;
- электроника асослари, ярим ўтказгичли асбоблар ҳақида маълумотларга эга бўлиш.
- тажриба натижаларини назарий билимлар асосида қайта ишлашни ўрганиш ва назарий билимларни амалда текшириш кўникмаларини шакллантириш.

Фаннинг бошқа фанлар билан боғлиқлиги

Электротехника ва электроника асослари фани бир қатор умуммуҳандислик ва табиий фанлар билан узвий боғлиқдир. Шу жумладан

физиканинг электр тебраниш ва тўлқинлар, электр ва магнит майдонлар, квант физикаси бўлимлари, олий математиканинг интеграл ва дифференциал ҳисоб, матрицали ҳисоб, векторлар, ҳамда комплекс ўзгарувчи функциялар назарияси бўлимлари ушбу фанни ўрганишда асос бўлиб хизмат қилади.

Ўз ўрнида «Электротехника ва электроника асослари» фани ҳам кўпгина мутахассислик фанларининг, масалан, «Электроэнергетикани автоматлаштириш», магистратурада ўқитиладиган бир қатор ихтисослик фанларнинг асоси ҳисобланади ҳамда битирув малакавий иши учун ҳам асос бўлиб хизмат қилади.

Дарс режаси ва мазмуни

1. *Актив қаршилик уланган ўзгарувчан ток занжири*
2. *Индуктив залтак уланган ўзгарувчан ток занжири.*
3. *Актив ва индуктив қаршиликли занжир*

Актив қаршилик уланган ўзгарувчан ток занжири. Бу хилдаги юкламага (истеъмолчига) электр энергиясини иссиқлик энергиясига айлантириб берадиган истеъмолчилар (чуғланма лампалар, барча электр иситиш асбоблари, реостат ва бошқалар) киради.


Фараз қилайлик, актив қаршиликли электр занжири синусоидал кучланиш манбаига уланган бўлсин. ($U=U_m \sin \omega t$)

У ҳолда Кирхгофнинг иккинчи қонунига биноан занжирнинг электр мувозанат тенграмаси $u=i \cdot R$ бўлади. У ҳолда, Ом қонунига биноан занжирдаги ток:

$$i = \frac{U}{R} = \frac{U_m \sin \omega t}{R} = I_m \sin \omega t$$

Бу ерда: $I_m = \frac{U_m}{R}$


Ифодадан кўринадики, актив қаршиликли занжирда кучланиш билан токнинг ўзгариши синусоидал бўлиб, уларнинг фазалари ўзаро мосдир,



1-Расмда актив қаршилик уланган ўзгарувчан ток занжири ва вектор диаграммаси кўрсатилган.

Индуктив ғалтак уланган ўзгарувчан ток занжири. Электротехник курилмаларнинг асосий қисмини индуктив ғалтаклар ташкил қилади (асинхрон двигателлар, трансформаторлар).

Агар берилган индуктив ғалтақдан синусоидал ток $I = I_m \sin \omega t$ оқиб ўтаётган бўлса (расм) у ҳолда ток ҳосил қилган ўзгарувчан магнит оқими $\Phi = \Phi_m \sin \omega t$ нинг таъсиридан ғалтақда доимо ўзиндукция ЭЮК (e_L) мавжуд бўлади.



2-Расмда индуктив ғалтак уланган ўзгарувчан ток занжири кўрсатилган.

e_L ғалтақнинг индуктивлиги ва токнинг ўзгариш тезлигига боғлиқ, яъни

$$e_L = -L \frac{di}{dt}$$

Кирхгофнинг иккинчи қонунига асосан занжирнинг электр мувозанат тенгламаси:

$$U = -e_L = L \frac{di}{dt}$$

Занжирга берилган кучланиш исталган лаҳзада e_L га қиймат жиҳатдан тенг, аммо йўналиши қарама-қарши. Ифодага токнинг қийматини киритсак:

$$U = U_L = -e_L = L \frac{di}{dt} = \omega L Z_m \cos \omega t = \omega L I_m \sin (\omega t + 90^\circ) = U_m \sin (\omega t + 90^\circ);$$

Индуктив ғалтакли занжирдаги кучланиш билан ток орасидаги фаза силжиш бурчаги $\varphi = +90^\circ$, яъни кучланиш токдан фаза бўйича 90° илгари келади

Ғалтакдаги ўзиндукция ЭЮК (e_L) исталган лаҳзада токнинг ўзгариш тезлиги (di/dt)-га пропорционал. Шунинг учун ток ўтаётганда унинг ўзгариш тезлиги энг катта бўлиб, бунда e_L ўзининг амплитуда қийматига эришади, яъни $e_L = E_m$. Ифодадаги $\omega L I_m = U_m$ занжирдаги кучланишнинг амплитуда қийматидир. Бундан занжирдаги токнинг таъсир этувчи қийматини аниқлаймиз:


$$I = \frac{I_m}{\sqrt{2}} = \frac{U_m}{\sqrt{2}\omega L} = \frac{U}{\omega L}$$

ωL кўпайтма индуктив ғалтакнинг реактив қаршилиги ёки индуктив қаршилик деб, X_L билан белгиланади ўлчов бирлиги Ом.

$$X_L = \omega L = 2\pi f L$$

Демак, ғалтакнинг индуктив қаршилиги унинг индуктивлигига ва ўзгарувчан токнинг частотасига тўғри пропорционалдир.

Актив ва индуктив қаршиликли занжир. 3-Расмда актив R_a ва индуктив X_L қаршиликли занжирининг схемаси ҳамда ундаги ток ва кучланишнинг вектор диаграммаси кўрсатилган.





Кирхгофнинг иккинчи қонунига мувофиқ бу занжир учун $u + e_L = iR_a$ тенглама тузилади. Бундан $u = iR_a + L \frac{di}{dt}$ тенграмаси келиб чиқади. Занжирга синусоидал кучланиш u берилса, занжирдаги I ток ҳам синусоидал яъни $i = I_m \sin \omega t$ бўлади. Энди, $\frac{di}{dt} = \frac{d(I_m \sin \omega t)}{dt} = \omega I_m \cos \omega t = \omega I_m \sin(\omega t + 90^\circ)$ бўлгани

учун $u = R_a I_M \sin \omega t + \omega L I_M \sin(\omega t + 90^\circ) = u_a + u_L$ бўлади. Демак, кучланишнинг оний қиймати u ни актив u_a ва индуктив u_L ташкил этувчилардан иборат $u = u_a + u_L$ деб қараш мумкин. Бунда u_a ток йўналишида, u_L эса, токдан 90° га ўзувчи бўлади. u_a нинг эффектив қиймати $U_a = IR_a$, u_L нинг эффектив қиймати эса $U_L = Ix_L$ га тенг. Бундай занжирдаги ток ва кучланишларнинг вектор диаграммасини тузиш учун асосий вектор қилиб ток вектори I олинади. Сўнгра ток вектори йўналишида U_a кучланиш вектори қўйилади. Бу вектор охиридан 90° га ўзувчи қилиб U_L вектори ўтказилади ва уларнинг йиғиндиси $\bar{U}_a + \bar{U}_L$ дан занжирдаги кучланиш вектори U топилади, яъни $\bar{U} = \bar{U}_a + \bar{U}_L$. Демак, кучланишнинг эффектив қиймати $U = \sqrt{U_a^2 + U_L^2} = \sqrt{(IR_a)^2 + (Ix_L)^2} = I\sqrt{R_a^2 + x_L^2} = IZ$. Бундан $I = \frac{U}{Z} = \frac{U}{\sqrt{R_a^2 + x_L^2}}$ келиб чиқади. $Z = \sqrt{R_a^2 + x_L^2}$ -актив ва индуктив қаршиликли занжирнинг тўла қаршилиги дейилади. Вектор диаграммадаги φ бурчак ток вектори билан кучланиш вектори орасидаги фаза силжиши бурчагидир. Кучланиш вектори токка нисбатан, ўзувчи бўлса, φ мусбат, орқада қолувчи бўлса, манфий ҳисобланади.

Кучланишлар учбурчаклиги. 3-расмда кўрсатилган вектор диаграммадаги U_a , U_L ва U кучланишлардан тузилган тўғри бурчакли учбурчаклик – кучланишлар учбурчаги дейилади. Кучланишлар учбурчагидан қуйидагилар келиб чиқади: $U = \sqrt{U_a^2 + U_L^2}$; $U_M = \sqrt{U_{Ma}^2 + U_{ML}^2}$; $\cos \varphi = \frac{U_a}{U}$; $\tan \varphi = \frac{U_L}{U_a}$

Қаршиликлар учбурчаклиги. Кучланишлар учбурчаклиги томонлари токка бўлинса, яъни $\frac{U_a}{I} = R_a$; $\frac{U_L}{I} = x_L$; $\frac{U}{I} = Z$ топилса, шу учбурчакка ўхшаш ва R_a , x_L , Z лардан тузилган қаршиликлар учбурчаги ҳосил бўлади.



Булардан $\cos \varphi = \frac{U_a}{U} = \frac{R_a}{Z}$; $\operatorname{tg} \varphi = \frac{U_L}{U_a} = \frac{X_L}{R_a}$ келиб чиқади. Демак, X_L қиймати R_a

га нисбатан қанча катта бўлса, фаза силжиши φ шунча катта, $\cos \varphi$ шунча кичик бўлади.

Актив ва индуктив қаршиликли занжир қуввати. Бундай занжирдаги оний қувват

$$p = ui = U_M \sin(\omega t + \varphi) I_M \sin \omega t = \frac{U_M I_M}{2} \cos \varphi - \frac{U_M I_M}{2} \cos(2\omega t + \varphi) = UI \cos \varphi - UI \cos(2\omega t + \varphi)$$

Демак, p қиймати икки ташкил этувчидан: ўзгармас $UI \cos \varphi$ ва иккиланган частота билан синусоидал қонун бўйича ўзгарувчи $UI \cos(2\omega t + \varphi)$ қувватлардан иборат бўлади. Бир даврдаги ўртача қувват $UI \cos \varphi$ га актив қувват дейилади. $P = UI \cos \varphi = U_a I = I^2 R_a$. Индуктив ёки реактив қувватнинг қиймати $Q = U_L I = UI \sin \varphi = I^2 X_L$ бўлади. Кучланишлар учбурчаклиги томонлари U_a , U_L ва U ток I га кўпайтирилса, $P = U_a I$; $Q = U_L I$ ва $S = UI$ лардан ташкил топган қувватлар учбурчаклиги ҳосил бўлади. Демак, $S = \sqrt{P^2 + Q^2} = \sqrt{(UI \cos \varphi)^2 + (UI \sin \varphi)^2} = UI$. Бу S қувват- занжирнинг тўла қуввати дейилади. Тўла қувватнинг ўлчов бирлиги $|S| = |UI| = B \cdot A$ (Вольт-Ампер) бўлади.

Анъанавий дарс ўтиш методикаси

Анъанавий дарс ўтиш деганда ўқув материални оғзаки ва кўргазмали усулда тушунтириш кўзда тутилади, яъни билимлар ўқитувчи томонидан баён қилинади, талабаларга назарий билимлар берилади. Бунда қоида ва таърифларга кўпроқ эътибор қаратилади, бу маълум даражада ваъзхонликни эслатади. Ахборот эса талаба хохишига қараб ёдланади. Бу услубда дарс ўтганда талабалар берилган билимларни доимо эслаб қолишга чақирилади ва хотирада ахборотларни йиғиш эслатиб турилади. Берилган материални билиш босқичларини олдин ўтилган, алоҳида олинган фанлар ташкил қилади ва билимларда яхлитлик етишмайди.

Машғулотлар юқори илмий салоҳиятда олиб борилади, аммо талабанинг мутахассислиги билан боғланмайди, бунинг натижасида ҳам хотирлаб қолиш даражаси юқори бўлмайди.

Шундай қилиб, анъанавий дарс ўтишнинг юқорида келтирилган камчиликлари педагогик жараёнга технологик ёндошувни вужудга келтиради- бу тизимли ёндошув асосида ўқув жараёнини лойиҳаланади. Бундан ташқари изланувчан, муаммоли ўқитиш усулларини ишлаб чиқиш ва танқидий фикрлаш натижасида ижодкорликни шаклланишига олиб келади.

Талаба ушбу мавзунини тўла ўзлаштириши учун маъруза машғулотларидан ташқари тажриба машғулотлари ҳам режалаштирилган бўлиб, унда талаба актив ва индуктив элементли занжирларни улашни амалга текшириб кўради.

Тажриба машғулотлари етти босқичда олиб борилади:

1-босқич: (5-10 дақиқа) Бу босқич дарснинг ташкилий қисми бўлиб, одатда бу қисмга саломлашиш, дарсда йўқ талабаларни аниқлаш, талабаларни ва дарс жихозларини дарсга тайёрлаш киради.

2-босқич: (5-10 дақиқа) Бунда ўқитувчи томонидан талабаларни бир неча кичик гуруҳларга ажратилади ва оғзаки савол-жавоб тарзида уларни тажриба ишини бажаришга тайёрлигини текширади.

3-босқич: (8-10 дақиқа) Бунда ўқитувчи тажриба ишини мақсад ва вазифаларини бажаришда алоҳида эътибор бериладиган жihatларини ва хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилиш бўйича йўриқномани тушунтиради.

4-босқич: (30-40 дақиқа). Бунда ҳар бир кичик гуруҳ алоҳида-алоҳида тажриба ишини бажаради, ўқитувчи ишни тўғри бажарилишини назорат қилиб туради.

5-босқич: (20-25 дақиқа). Талабалар тажриба ишида олинган натижаларига асосланиб, нормалум қийматларни ҳисоблайдилар ва ўқитувчига ушбу тажриба ишини назарий жihatдан топширадилар. Ҳар бир тажриба иши 100 балл тизимида баҳолаб борилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

6-босқич: (5-10 дақиқа) Ўқитувчи ушбу тажриба ишидаги энг муҳим жihatларини яна бир марта тушунтириб ўтади ва келгуси дарс бўйича топшириқлар беради.

7-босқич: (2-3 дақиқа) Бунда ўқитувчи дарсни якунлайди ва гуруҳ журналига дарсни ўтганлиги тўғрисида имзо қўяди ҳамда талабалар билан хайрлашиб чиқиб кетади.

Таълим жараёнида талаба, ўқитувчи ва таълимда иштирок этувчи бошқа шахслар орасидаги ўзаро (муносабат) таълим жараёнига таъсир этади. Ўзаро алоқанинг таълимга ва салбий таъсир этувчи омилларини ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Анъанавий ўқитиш методикасида бу муаммолар етарлича ўрганилмайди. Бу анъанавий ўқитиш методикаси таълимида етишмаган ҳол ва ечилмаган муаммодир.

Кейинги пайтларда янги педагогик технологиялардан, хусусан ўқитишнинг интерактив усулларида фойдаланиш юқори билим савиясига эришиш такрорланувчан ўқув жараёнини ташкил этишни таъминлайдиган талабаларнинг мустақил билим олишларини фаоллаштирувчи ва уларнинг фикрлаш қобилиятини ривожлантирувчи ўқитишнинг замонавий усули сифатида қаралмоқда.

2. Янги педагогик технологияларни қўллаб дарсни ташкил қилиш методикаси

Ўқитиш жараёнига янгича ёндошиш талабаларни мустақил ишлашини янада такомиллаштиришдан иборат. Бунда талабалар адабиётлар билан кўпроқ ишлаб ўз билимларини бойитади ва мустақил фикрлашни ўрганади.

Ушбу фанни ўқитиш жараёнида янги педагогик технологиялардан фойдаланиш имкониятлари қуйидагилардан иборат:

- тегишли ўқув мақсадларини педагогик технологиялар бўйича аниқланганлиги;

- тўла ўзлаштириш технологияси кўзда тутилганлиги;

- ўқув мақсадларини назорат (тест) топшириқларига айлантирилганлиги;

- муаммоли усул (вазифа, савол, масала, топшириқ ва бошқалар) ва ҳақиқатни имитацион моделлаштириш асосларидан фойдаланиши;

- таянч ибораларга асосланган ёзма иш орқали назорат ишларини ўтказиш тизимидан фойдаланилиши;

- интерфаол усуллардан самарали фойдаланилиши.

Масалан, муаммоли маъруза матнлари тузиб ўша асосида маъруза дарсларини олиб бориш, тажриба ва амалий машғулотларда янги педагогик технологиянинг интерактив усуллари (Венн диаграммаси, БББ, Кластер, Синквейн, Сематик хусусиятлар тахлили, Концептуал жадвал ва бошқалар) фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Тажриба ишларини бажариш тартиби

“Актив ва индуктив элементли занжирларни ўрганиш” *мавзусидаги тажриба машғулотини интерфаол усулларда олиб бориш*
Мавзу: Актив ва индуктив элементли занжирларни ўрганиш

Дарс тури: Тажриба машғулоти

Вақт тақсимооти:

- 1-босқич тайёрлов 5 дақиқа
- 2-босқич чақирув 15 дақиқа
- 3-босқич аниқлаш 37 дақиқа
- 4-босқич фикрлаш 20 дақиқа
- 5-босқич уйга вазифа 3 дақиқа

Ўқув материаллари:

- М. Джурабаев.- «Электротехника» (муаммоли маърузалар матни) - НамМПИ-2003
- Қ.Ишматов.- «Илғор педагогик технологиялар» маърузалар матни. НамМПИ-2001-96 бет
- Тажриба ишлари учун қўлланмалар, схемалар.
- Тажриба ишини бажариш столи, симлар, ўлчов асбоблари

Интерактив стратегиялар:

- Кичик гуруҳларда ишлаш.
- «Инсерт» стратегиясида самарали ўқиш ва фикрлаш учун белгиларнинг интерфаол тизими.
- Биргаликда ишлаш, фикрлашга ундовчи қизиқарли саволлар.
- Венн диаграммаси.
- Тестлар.

Дарсинг бориши


Машғулот босқичлари	Педагог	Талаба	Назорат
Тайёрлов	Талабаларни хонага таклиф қилинади.	Талабалар гуруҳларга	

	Талабаларни кичик гуруҳларга ажратилади. Дарснинг мақсади, мавзуси, аниқлаштирилган ўқув мақсади эълон қилинади. зарур бўлса унга тузатишлар киритиб яқдиллик билан қабул қилишга эришилади.	ажратилгач, стол атрофида ўз жойларини эгаллайдилар. Талабалар ўрганилаётган мавзунини дафтарларига ёзган ҳолда тажриба ишини бажаришга тайёр бўладилар. Ўзлари учун дарсдаги мақсад ва вазифаларни белгилайдилар. Ўз мулоҳазаларини билдирадилар, таклифлар киритадилар.									
